

## PUDRAT SHARTNOMASI

28«11»2022 yil.

307-4-67-MT/2022-son

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Шахрисабз туман Мактабгача таълим бўлими раҳбари номидан Низом асосида иш юритувчи Ж Баратов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Yangi Kesh Sher» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар И Жумаев иккинчи томондан Шахрисабз туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 3 –ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари (ДМТТ атрофини ураш) бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади;

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

-**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда нархларда жами **41 500 000 (қирк бир миллион беш юз минг) сум**

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегishли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
  - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
  - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
  - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
  - қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
  - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
  - қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
  - қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабулқилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабулқилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.
15. Объектни 30 календарь кунида фойдаланишга топширилиши белгиланади .

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30% миқдорда аванс ўтказади, бу 12 450 000 (ун икки миллион тўрт юз эллик минг ) сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 5 банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охиригича ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактури» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тuzата олмаса, Пудратчи уларни тuzатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

#### **X. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

#### **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

#### **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги холларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг қунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди.

44. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

### ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

### ХIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб қеладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;

- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;

- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларнинг рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ёки вакилларида маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

53. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

54. Агар шартнома тарафлари тамонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги

юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
60. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
62. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга қиради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.
63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

«Yangi Kesh Sher» хусусий корхонаси	Шаҳрисабз туман Мактабгача таълим бўлими
Манзил: Тараққиёт кучаси 3 уй	Манзил: Лолистон МФЙ Пахтакор к
Телефон 998: -97 315 02 03	Телефон: +99897 4017200
х/р 20208000000442265001	х/р: 100022860102457091100251023
ИНН: 303 226 395	ИНН: 305158978
Банк: Шаҳрисабз Агро банк	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 00166	х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ: 61110	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар И. Жумаев  
МУ

Раҳбар \_\_\_\_\_ **Ж Баратов**  
МУ



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	JASUR BARATOV JUMAYEVICH
Imzolangan sana	28.11.2022 16:34
Hujjat kodi	NF43616310
Hulosa kodi	WX8073414780

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

WX8073414780

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: SHAHRISABZ TUMAN MAKTABGACHA TA’LIM BO’LIMI tomonidan 28.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Shaxrisabz tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



R.R.RADJABOV

28.11.2022



Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиши тугрисида

# ГУВОҲНОМА

Регистр тартиб рақами — 11510

№ — 0011510

2015 й. "19" феврал

Мақсуд гувоҳнома юридик шахс "YANGI-KESH-SHER" хусусий корxonasi  
(Ўзбек тилидаги тулик ва киекартирилган номи)

(Юридик шахс булган деҳкон хужаликлари, фермер хужаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилган)

берилган

Мулкчилик шакли : .....

МШ

114

Ташкилий ҳуқуқий шакли : .....

ТХШ

1010

Тармак коди : ..... 25456913

ХХТУТ

61110

1710248

Почта манзили : .....

МХОБТ

1710245501

Юридик шахс коди : .....

КТУТ

25456913

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами : .....

СТИР

303226395

Қушимча маълумотлар:



Шахрисабз тумани Тадбиркорлик  
субъектларини руйхатдан утказиши  
инспекцияси бошлиғи

Т.ГОФУРОВ

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 188356 на приобретение Шахрисабз туман 3- ДМТТ нинг жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 25.11.2022

Время рассмотрения 25.11.2022 22:23

Закупочная комиссия Шахрисабз туман мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BARATOV JASUR JUMAYEVICH	Shahrisabz Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri	Shahrisabz Maktabgacha ta'lim bo'limi
<b>Секретарь комиссии</b>	OCHILOVA FOTIMA TURDIYEVNA	Давлат харидлари ва шартномалар буйича мутахассис	Shahrisabz Maktabgacha ta'lim bo'limi
<b>Член комиссии</b>	SAIDOVA IZZATOY ASHIROVNA	ЖВЮШМБИ буйича мутахассис	Shahrisabz tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi
<b>Член комиссии</b>	BARATOV BEGZOD ABDIVAXOBOVICH	MTEX bo'lim boshlig'i	Shahrisabz tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi
<b>Член комиссии</b>	ISLOMOV JOMOLIDDIN RAXMATULLAYEVICH	Iqtisodchi	Shahrisabz Maktabgacha ta'lim bo'limi
<b>Член комиссии</b>	AMINOV AZIZ RASHIDOVICH	Bosh xisobchi	Shahrisabz Maktabgacha ta'lim bo'limi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.11.2022 года № лота 188356.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	42 172 000.00
Стартовая сумма	42 172 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этувчилар таъмирлаш ишлари кузда тутилган маъмурий бино билан шахсан танишиб чикишлари ва маъмурият томонидан тасдиқланган хужжатлар илова килиниши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этувчилар таъмирлаш ишлари кузда тутилган маъмурий бино билан шахсан танишиб чикишлари ва маъмурият томонидан тасдиқланган хужжатлар илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARMON OТА XK	20	тегишли хужжатлар илова килинди	20	Экспертная		
ЧП SHOKIR SHARIFJON	20	Талаб қилинган хужжатлар илова қилинди	20	Экспертная		
YANGI-KESH-SHER XK	20	Тегишли хужжатлар илова килинди	20	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар кичик механизация воситаларига эга булишини тасдиқловчи хужжатлар туплами

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар кичик механизация воситаларига эга булишини тасдиқловчи хужжатлар туплами

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARMON OТА XK	20	тегишли хужжатлар илова килинди	10	Экспертная		
ЧП SHOKIR SHARIFJON	20	Талаб қилинган хужжатлар илова қилинди	20	Экспертная		
YANGI-KESH-SHER XK	20	Тегишли хужжатлар илова килинди	16	Экспертная		

Критерий №3 Охирги бажарган ишлари буйича фото суратлар ва тасдиқловчи хужжатлар Ишчи ходимлар тугрисида тасдиқланган маълумот [my, mexnat.go.uz](http://my.mexnat.go.uz) порталида мавжудлиги ва ДСИ томонидан тасдиқланганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги бажарган ишлари буйича фото суратлар ва тасдиқловчи хужжатлар Ишчи ходимлар тугрисида тасдиқланган маълумот [my, mexnat.go.uz](http://my.mexnat.go.uz) порталида мавжудлиги ва ДСИ томонидан тасдиқланганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARMON OТА XK	20	тегишли хужжатлар илова килинди	13	Экспертная		
ЧП SHOKIR SHARIFJON	20	Талаб қилинган хужжатлар илова қилинди	10	Экспертная		
YANGI-KESH-SHER XK	20	Тегишли хужжатлар илова килинди	17	Экспертная		

Критерий №4 Танлов савдоларида иштирок учун бажарилаётган ишни 30% миқдорида маблаг мавжудлиги тугрисида банк маълумоти ,айланма маблаг билан таъминланиши

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдоларида иштирок учун бажарилаётган ишни 30% миқдорида маблаг мавжудлиги тугрисида банк маълумоти ,айланма маблаг билан таъминланиши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARMON OTA XK	20	тегишли хужжатлар илова қилинди	20	Экспертная		
ЧП SHOKIR SHARIFJON	20	Талаб қилинган хужжатлар илова қилинди	18	Экспертная		
YANGI-KESH-SHER XK	20	Тегишли хужжатлар илова қилинди	19	Экспертная		

Критерий №5 Асосий воситалар тугрисида маълумот Иштирокчилар шартнома тузиш учун конуний ҳуқуқга эғалиги солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлик мавжуд эмаслигитугрисида маълумотнома Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таоминларининг мавжуд эмаслиги инсовсиз ижрочилар ягона рейсторида қайд этилмаганлигитугрисида маълумотн

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситалар тугрисида маълумот Иштирокчилар шартнома тузиш учун конуний ҳуқуқга эғалиги солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлик мавжуд эмаслигитугрисида маълумотнома Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таоминларининг мавжуд эмаслиги инсовсиз ижрочилар ягона рейсторида қайд этилмаганлигитугрисида маълумотн

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARMON OTA XK	20	тегишли хужжатлар илова қилинди	20	Экспертная		
ЧП SHOKIR SHARIFJON	20	Талаб қилинган хужжатлар илова қилинди	15	Экспертная		
YANGI-KESH-SHER XK	20	Тегишли хужжатлар илова қилинди	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП SHOKIR SHARIFJON	42 172 000.00	42 000 000.00 UZS	42 000 000.00	00.00	42 000 000.00	23.11.2022 12:08:51	9.56476
YANGI-KESH-	42 172	41 500 000.00	41 500 000.00	00.00	41 500	23.11.2022	9.68

SHER XK	000.00	UZS			000.00	16:11:08	
FARMON OTA XK	42 172 000.00	40 172 000.00 UZS	40 172 000.00	00.00	40 172 000.00	22.11.2022 17:01:43	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП SHOKIR SHARIFJON	74.7	9.56476	84.26476
YANGI-KESH-SHER XK	78.3	9.68	87.98
FARMON OTA XK	74.7	10	84.7

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 188356 от 25.11.2022 года на приобретение Шахрисабз туман 3- ДМТТ нинг жоърий таъмирлаш ишлари определила победителем:

YANGI-KESH-SHER XK  
303226395

и резервный исполнитель: FARMON OTA XK (201707402)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	BARATOV JASUR JUMAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAIDOVA IZZATOY ASHIROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BARATOV BEGZOD ABDIVAXOBOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ISLOMOV JOMOLIDDIN RAXMATULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AMINOV AZIZ RASHIDOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Мактабгача таълим булими комиссия**  
**раиси**



Ж Баратов

Шахрисабз туман мактабгача таълим булимига қараган 3- ДМТТ биносида  
жоърий таъмирлаш ишлари учун (ДМТТ атрофини ураш) ташкилотлар  
ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Шахрисабз тумани

«28» ноябр 2022 й.

Раислик қилувчи

Ж Баратов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ж Баратов	Комиссия аъзоси, ШМТБ булим бошлиғи
А Аминов	Комиссия аъзоси, ШМТБ Бош хисобчиси
Б Баратов	Комиссия аъзоси, Курилиш булими бошлиғи
Ж Исломов	Комиссия аъзоси, ШМТБ ТМК иктисодчи
И Саидова	Комиссия аъзоси, Девонхона булими
Ф Очилова	Котиб, Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис

**КУН ТАРТИБИ:**

3- ДМТТ биносини жоърий таъмирлаш ишлари бажариш бўйича.

---

(Ж Баратов, А Аминов, Б Баратов, Ж Исломов, И Саидова)

Шахрисабз туман мактабгача таълим булими томонидан 2022 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига 3- ДМТТ биносини жоърий таъмирлаш ишларини бажариб бериш бўйича №188356 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 25 ноябр энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланди 3- ДМТТ биносини жоърий таъмирлаш ишлари баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан «YANGI KESH SHER» хусусий корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимида муҳокама

қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шахрисабз туман МТБ бош ҳисобчиси А,Аминовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “YANGI KESH SHER” х/к билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Курилиш булими бошлиги Б Баратовга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилиш ва сифатли қабул қилиш топширилсин.

### Комиссия аъзолари

Ж. Баратов



А. Аминов



Б. Баратов



Ж. Исломов



И. Саидова

